



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Сирдарё тумани

10.03.2022 йил

4-1202-2201/120-сонли иш

Сирдарё туманлараро иқтисодий суди, судья У.Курбанов раислигида, С.Сайданов котиблигида, даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси “Д” акциядорлик жамияти манфаатида жавобгар – “Ж” фермер хўжалигидан 22 258 247 сўм асосий қарз ва 10 304 530 сўм пеняни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси ва илова қилинган ҳужжатларни, даъвогар вакиллари М. (2022 йил 7 январдаги АХ 14/31-сонли ишончнома асосида) палата вакили Ж. (06.01.2022 йилдаги 09/2-сонли ишончнома асосида) иштирокида, Сирдарё туман Давлат солиқ инспекцияси биносида ўтказилган сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

а н и қ л а д и :

“Д” акциядорлик жамияти (кейинги матнларда “даъвогар” деб юритилади) ва “Ж” фермер хўжалиги (кейинги матнларда “жавобгар” деб юритилади) ўртасида 2021 йил 03 майда электр энергияси таъминоти бўйича шартнома имзоланган.

Даъвогар шартномавий мажбуриятларни бажариб жавобгарга электр энергия етказиб берган, жавобгар шартномавий мажбуриятларини лозим даражада бажармасдан қарздорлик муддатида тўланмаганлиги учун 01.01.2022 йил ҳолатига қарздорлик пайдо бўлиб, оқибатда даъвогар жавобгардан 22 258 247 сўм асосий қарз ва 10 304 530 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили даъво талабини қувватлаб, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган жавобгар (вакиллари) суд мажлисига келмади, бундай ҳолатда суд ишни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал Кодекси (бундан кейинга ўринларда матнда “ИПК” дею юритилади)нинг 129, 170-моддаларига асосан жавобгар (вакиллари) иштирокисиз мавжуд ҳужжатлар асосида кўришни лозим топади.

Суд даъвогар вакилининг кўрсатмаларини тинглаб иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, даъво талабини асосли деб топиб, даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатлари ва даъвогар вакилининг кўрсатмаларига кўра даъвогар ва жавобгар ўртасида 2021 йил 03 майда электр энергияси таъминоти бўйича шартнома имзоланган.

Даъвогар шартномавий мажбуриятларни бажариб жавобгарга электр энергия етказиб берган, жавобгар шартномавий мажбуриятларини лозим



даражада бажармасдан қарздорлик муддатида тўланмаганлиги учун қарздорлик пайдо бўлиб, 01.01.2022 йил ҳолатига 22 258 247 сўм асосий қарз ва 10 304 530 сўм пеня жами 32 562 777 сўм қарздорликни ташкил қилади.

-Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекс (бундан кейинги ўринларда матнда “Кодекс” деб юритилади)нинг 477-моддасида энергия таъминоти шартномаси бўйича-мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда, энергия билан таъминловчи ташкилот шу туфайли етказилган зарарнинг, абонент эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу кодекснинг 468-моддасига кўра, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Кодекснинг 474-моддасига кўра агар қонун ҳужжатларида ёки энергия билан таъминлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, энергия ҳақи абонент амалда қабул қилган энергия миқдори учун тўланади.

ИПКнинг 68-моддасида исботлаш мажбурияти кўрсатилган бўлиб, унга кўра ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Даъвогарнинг жавобгардан асосий қарз ундириш талаби даъвогар вакилининг кўрсатмаси, шартнома, таққослаш далолатномаси, маълумотнома ва тақдим этилган ҳужжатлар билан тўлиқ ўз тасдиғини топади.

Мазкур ҳолатда суд даъво талабининг 22 258 247 сўм асосий қарз ундириш тўғрисидаги талаби ўз тасдиғини топган деб ҳисоблаб, қаноатлантиришни лозим топади.

Бундан ташқари даъвогар жавобгардан 10 304 530 сўм пеня ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги №670-сонли қонуни 32-моддасига кўра Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

Кодекс 333-моддасига кўра қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади. Айбининг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади.

Кодекснинг 263-моддасига кўра, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъий назар, кредитор шунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли, 326-моддаси агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг



мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши керак.

Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 15.06.2007 йилдаги №163-сонли қарорининг 4-бандига кўра ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли эканлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Мазкур ҳолатда суд даъво аризада жавобгардан 10 304 530 сўм пеня ундириш талаби мавжуд бўлса-да, пеня ундириш талабини тўлик қаноатлантириш жавобгарнинг кейинги фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини инобатга олиб, 1 500 000 сўм пеня ундиришни лозим топади.

ИПКнинг 118-моддасига кўра даъвонинг қаноатлантирилган қисмига асосан жавобгардан Республика бюджетига 651 255,54 сўм давлат божи ундиришни ва 21 600 сўм почта харажати жавобгар зиммасида қолдиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан, суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 187, 188, 190-моддаларини қўллаб,

қ а р о р к и л д и :

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси “Д” акциядорлик жамиятининг даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар “Ж” фермер ҳўжалигидан, даъвогар “Д” акциядорлик жамияти фойдасига 22 258 247 сўм асосий қарз, 1 500 000 сўм пеня ва 21 600 сўм почта харажати ундирилсин.

Қолган даъво талаблари қаноатлантиришдан рад этилсин.

Жавобгар “Ж” фермер ҳўжалигидан:

-Республика бюджетига ва суд органларини ривожлантириш жамғармасига 651 255,54 сўм давлат божи ундирилсин;

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф бир ой муддат ичида Сирдарё вилоят судига апелляция шикоят (протест) келтириши мумкин.

Судья:

У.Курбанов

